

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Термиздан паролмиш наволар

жаҳон аро акс-садо
беришига шубҳа йўқ

Махсус мухбиримиз Сирожиддин ИБРОҲИМ
Термиз шаҳридан хабар қилади:



Бугун нафақат кўҳна Сурхон воҳаси, балки бутун мамлакатимиз аҳли катта санъат байрами шуқуҳи билан яшамокда. Термиз шаҳри дунёнинг турли давлатларидан, юртимизнинг чор тарафидан баҳши-шоирлар, оқин-жировлар, санъаткорлар, хунармандлар ва минглаб асл санъат шинавандаларини бағрига олган.

4

БЕШТА ТАШАББУС:

ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Аввал хабар қилинганидек, давлатимиз раҳбари раислигида шу йилнинг 19 март кунини видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, унда эндиги ишлар бешта муҳим ташаббус асосида бажарилиши белгилаб олинди.

Давлатимиз раҳбари илгари сурган – ёшларнинг мусиқа, санъат ва адабиётга қизиқишини ошириш, уларнинг спорт билан шуғулланишлари учун зарур шароитлар яратиш, аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланиш, ёшлар маънавиятини юксалтириш, улар ўртасида китобхонликни кенг тарғиб этиш бўйича тизимли ишларни ташкил қилиш, шунингдек, хотин-қизларни иш би-

лан таъминлашни назарда тутувчи бешта муҳим ташаббус ёшларнинг тўғри ва адолатли йўлдан юришида, аҳоли ҳамда аёлларнинг турмушидан мамнун бўлиб яшашда фойда муҳим аҳамият касб этиши шубҳасиз. Мазкур бешта ташаббус кенг жамоатчилигимиз томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди. Эндиликда ушбу тажрибани юртимизнинг барча ҳудудларида амалиётга жорий этиш вазифаси турибди.

Ҳўш, вилоятимизда бешта муҳим ташаббус бўйича қандай ишлар амалга оширилмоқда? Истиқболдаги режалар қандай?

Қуйида мутасаддиларнинг бу борадаги фикрларини келтираемиз:

Дониёр МИНЖИГИТОВ,

вилоят маданият бошқармаси бош мутахассиси:

– Санъатга ошно қалбдан ёмонлик чиқмайди. Бешта муҳим ташаббуснинг биринчиси ёшларнинг мусиқа, адабиёт ва санъатнинг бошқа турларига қизиқишини оширишга, истеъдодлини юзага чиқаришга қаратилгани ҳам бежизга эмас. Бу борада режа ва вазифаларни белгилаб олдик. Хусусан, вилоятдаги 32 та болалар мусиқа ва санъат мактабларида ўқувчилар сонини 14 минг нафарга етказиш, энг истеъдодлиларини халқаро кўрик-танлов ва фестивалларда иштирок этишини мақсад қилганмиз.

Шунингдек, маданият марказлари ҳамда болалар мусиқа ва санъат мактабларини олий маълумотли педагог кадрлар билан таъминлашга ҳам аҳамият қаратишимиз керак. Бундан ташқари, ижодкор зиёлилар, адабиёт ва санъат намояндлари иштирокида маҳорат дарсларини йўлга қўйишимиз зарур. Давлатимиз раҳбари айтганидек, ҳар бир тумандаги мусиқа мактабларига, маданият муассасаларига таниқли санъаткорларни жалб қиламиз.

Давоми 2-бетда



ХУНАРДАН – ЗАР, МЕҲНАТДАН – ОЛҚИШ

Бугунги кунда нафақат марказларда, балки чекка ҳудудларда ўзининг ишбилармонлиги билан хотин-қизлар бандлигини таъминлашга ҳисса қўшиб келаётган опа-сингилларимиз шижоати таҳсинга лойиқ.

□ ИМКОНИАТ

Паркентлик Мадина Анорбоева ёш бўлишига қарамай, тадбиркорлик соҳасига қўл урди. Бир неча йил олдин “Қумушхоним Дилноза” хусусий корхонасини ташкил этиб, Сўқоқ қишлоғидаги хотин-қизларни иш билан таъминлади.

Хусусий корхона таркибиде ташкил этилган тикувчилик цехида ҳозирда 10 нафардан ортиқ аёл меҳнат қилмоқда. Бу ерда моҳир чеварлар буюртмага асосан махсус иш кийимлари ҳамда турли хил либослар тикишади. Цехни айланиб юрар-



канмиз, бир-биридан бежирим ва чиройли либослар кўзни қувонтирди. Ишчилар билан суҳбатлашиб, уларнинг ўз меҳнати билан оиласи фаровонлигига ҳисса қўшаётганидан мамнунлигини сездик.

– Иш бошлаганимизга энди бир йил бўлди, – дейди тадбиркор Мадина Анорбоева. – Шунга қарамай, миқдоримиз етарли. Буюртмачилар сони кун-

дан-кунга ортмоқда. Тадбиркор, шунингдек, “Advanced girls” нодавлат таълим муассасаси фаолиятини ҳам йўлга қўйган. “Гўзаллик салони” ҳам ишга тушиш арафасида.

Зухриддин РАҲМОНОВ,
“Тошкент ҳақиқати”
мухбири
Мансур ХИММАТОВ
олган суратлар

□ Мавсум – 2019

БАРАКА УРУҒИ ҚАДАЛМОҚДА



Вилоятимизнинг пахта етиштиришга ихтисослашган туманларида ерга чигит экиш ишлари авжида. Баҳор фаслининг ганимат кунларидан унумли фойдаланишни мақсад қилган янгийўллик фермерлар ҳам энг шимариб, ишга киришиб кетишган.

Жорий йил туманнинг 3 минг 50 гектар ерига “С 6524” навли чигит экиш кўзда тутилмоқда. Унга 24 та сеялка ва 24 та қўшимча техника жалб этилган. Илгорлар орасида “Болгабоев Искандар Эркин” фермер хўжалиги экиш жараёнини биринчилардан бўлиб, муваффақиятли яқунлади. Ҳар гектар ерга 25-



30 килограммдан баракка уруғи қададик, – дейди фермер хўжалиги раҳбари И. Болгабоев. – Ишимизни қисқа фурсатда ва сифатли бажаришда замонавий техникаларнинг ҳиссаси катта бўлди. Ахир, иш қуролинг соз бўлса, машаққатинг оз бўлади-да. Қолаверса, Умид Қодиров сингари серғайрат механизаторларимиз савй-ҳаракати билан чигитни ўз вақтида экиб олди.

Ўз мухбиримиз
Р. ГАЛИЕВ олган сурат

Амир Темур
таваллудининг
683 йиллигига

СОҲИБҚИРОННИНГ ҲАРБИЙ ҚУДРАТИ



4

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ҚАРОРИ

АГРАР СЕКТОРНИ ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТЕХНИКАЛАРИ БИЛАН ЎЗ ВАҚТИДА ТАЪМИНЛАШГА ОИД ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

в) 2019 йил 20 апрелга қадар: мазкур қарорда назарда тутилган давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга ошириш тартибини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

бир ой мuddатда 2019-2021 йилларда маҳаллий ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникаларини лизинг асосида етказиб беришни молиялаштириш мақсадида ҳар йили 100 миллион АҚШ долларидан кам бўлмаган миқдорда халқаро молия институтлари ва хорижий ҳукумат молия ташкилотларининг узоқ мuddатли имтиёзли кредит линиялари жалб қилинишини таъминласин;

ва ўтказишда шаффофликни таъминлашда "Ўзгартотехсанотхолдинг" АЖ ва "Ўзгросервис" АЖга ҳар томонлама қўмаклашин.

Худудий секторлар фаолиятдан

Президентимизнинг 2019 йил 8 январдаги "Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янада тоқимлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ, вилоятимиз туман ва шаҳарларида ҳокимлик, прокуратура, ички ишлар ҳамда давлат солиқ идораларининг худудий органлари раҳбарлари бошчилигида тузилган секторлар самарали фаолият кўрсатмоқда.

УЙМА-УЙ ЮРИБ АҲОЛИ МУАММОЛАРИ ҲАЛ ЭТИЛМОҚДА

Айтиш керакки, шу йилнинг 1 февралдан бошлаб, сектор раҳбарлари зиммасига худудларда уйма-уй юриб, аҳоли муаммоларини ўрганиш, уларни таҳлил қилиш ва ўз вақтида ечимини топиш, шунингдек, сайёр, оммавий қабуллар ташкил этиш каби катор вазифалар юклатилган. Мазкур қарор ижросини таъминлаш мақсадида айни пайтда вилоят Давлат солиқ бoшқармасининг 4-сектор ишчи гуруҳи томонидан аҳоли муаммолари ўрганилиб, уларни ўз вақтида бартараф этиш борасида изчил ишлар олиб борилмоқда.

АСОСИЙ ВАЗИФА - ОДАМЛАРНИ РОЗИ ҚИЛИШ

Бекобод шаҳридаги 4-сектор мутасаддилари томонидан ҳам сезиларли ишлар амалга ошириляпти. Ушбу секторга шаҳар Давлат солиқ инспекцияси раҳбарлик қилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент шаҳри, 2019 йил 4 апрель

Семинар

Пойтахтимизда Демократия ва инсон ҳуқуқлари институти ва вилоят хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда "Аёлларни сайлов жараёнларидаги иштирокини фаоллаштириш" мавзусида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

ҲАР ЖАБҲАДА ФАОЛДИР АЁЛ

АҚШнинг Ўзбекистондаги ваколатхонасининг молиявий қўмағида ташкил этилган тренингда вилоятимиздаги барча сиёсий партия фаоллари, хотин-қизлар кўмитаси, институтнинг мунтақавий бўлими раҳбарлари ва журналистлар иштирок этди.

ФАНЛАР БЎЙИЧА ОЛИМПИАДА ЎТКАЗИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг касб-хунаар таълими маркази ҳамда Халқ таълими вазирлигининг тегишли қарорига мувофиқ, академик лицейлар, касб-хунаар коллежлари ва умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг фанлар бўйича Республика олимпиадасининг вилоят босқичи Қирғай молия-иқтисодиёт коллежиде бўлиб ўтди.



Интилиш

Тадбирни вилоят касб-хунаар таълими бoшқармаси бoшлиғи А. Зокиров очиб берди. Фан олимпиадасининг 3-бoшқичида академик лицей ва касб-хунаар коллежларидан жами 267 нафар (шундан, 65 нафар 2-бoшқич ва 202 нафар 3-бoшқич) ўқувчилар иштирок этишди.

Ҳакамлар ҳайъати томонидан ўқувчиларнинг бажарган ишлари бoшқичма-бoшқич баҳолаб борилди. Якуний натижаларга кўра, синoвлардан муваффақиятли ўтган 23 нафар ўқувчи совринли ўринларни эгаллаб, республика бoшқичига йўланмани қўлга киритишди ҳамда вилоят касб-хунаар таълими бoшқармаси бoшлиғи томонидан фахрий ёрликлар билан тақдирланишди.

БЕШТА ТАШАББУС: ЁШЛАР ВА ХОТИН-ҚИЗЛАР МАНФААТЛАРИГА ХИЗМАТ ҚИЛАДИ

Моҳира ХОДЖАЕВА,

Республика "Маънавият ва маърифат" маркази вилоят бўлими раҳбари:

- Жорий йилнинг ўтган уч ойи давомида ҳамкор ташкилотлар иштирокида вилоятимизда жами 264 та маънавий-маърифий тадбир ташкил этилиб, шундан 90 фоизи китобхонликка бағишланди.

Доннёр РИХСИБОУВ,

вилоят жисмоний тарбия ва спорт бoшқармаси бoшлиғи:

- Ёшларнинг спорт соҳасида қобилиятини намoён қилишлари учун зарур шарoитлар яратишга қаратилган иккинчи ташаббус мамлакатимиз довруғини дунёга танитувчи спортчиларимизнинг кўпайишига, юртимиз байроғи жаҳон ареналарида ҳилпираб туришига хизмат қилиши тайин.

шoотларини барпо этиш, бўш турган биноларни спорт иншоотларига айлантириш учун тадбиркорларга нoль қийматда бериш ҳамда уларга "Yoshlar - kelajagimiz" жамғармаси маблағлари ва имтиёзли банк кредитларини ажратиш каби вазифалар ўрин олган. Бу масалалар ижобий ечим топса, юртимиз спортини янада ривожланиб, Ватанимиз довруғи дунёга таралаверади.

Озода ПАРПИБОУВА,

вилоят ҳокимининг ўринбoсары, хотин-қизлар кўмитаси раисы:

- Сўнги йилларда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаоллигини оширишга, уларни иш билан таъминлашга катта аҳамият қаратилмоқда. Давлатимиз раҳбари илгари сурган бешта муҳим ташаббусдан бири хотин-қизлар манфаати бағишланган аёлларнинг ҳаётдан рози бўлиб яшашига хизмат қилади.

19 мартдаги видеоселектор йиғилишида қишлоқ жойларда хотин-қизлар бандлигини таъминлаш мақсадида республиканинг барча туманларида бoшқичма-бoшқич энгил конструкцияли тикув цехларини ташкил этиш вазифаси топиширилган эди. Беришган топшириқларни бажаришга энг шимариб киришдик. Туман ҳокимликлари билан келишилган ҳолда, аҳоли зич жойлашган 15 та худудда 150 иш ўрнига мўлжалланган тикув цехлари ташкил этилиши бўйича дислокация тайёрланди. Вилоят ва туманлар дислокацияси

Бугун мамлакатимизда маънавият, маърифат, спорт, санъат, адабиёт ҳуллас, инсоннинг маънавий эҳтиёжи учун хизмат қилadиган йўналиш борки барчасида кўлаб хойри ишлар амалга оширилмоқда. Шахсан давлатимиз раҳбарининг ўзлари бу эзу ишларда барча раҳбарларга ўрнак бўлмоқда. Чиқарилаётган қарорлар, топширилаётган вазифалар юзасидан ҳар бир раҳбарга каттиқ талаб қўйяптилар. Хусусан, Президентимиз кун кеча ёшлар таълим-тарбияси учун қўшимча шарoитлар яратиш, хотин-қизлар бандлигини оширишга қаратилган комплекс чора-тадбирларни ўз ичига олган бешта ташаббусни амалиётга ҳорий этиш масалалари бўйича ўтказган йиғилишда ҳам дастур лойиҳасида тадбирларни амалга ошириш механизмлари етарли эмаслиги, ҳар бир шаҳар ва тумонга иждоий маслаҳатчи сифатида бириктирилган соҳа намoёндаларининг амалий вазифалари аниқ белгиланмаганини қайд этди. Худудий "Йўл хариталари" ижросини тизимли ташкил этиш, тўғарақ ва синфларга қамраб олинган болаларни рағбатлантириш, жумладан, ҳар хил танловлар ўтказиш зoрурлигини таъкидлади. Демак, бу қўламдаги вазифалар ниҳоятда жиддий. Унга юзак қарошга ва масъулиятсизлик қилишга ҳеч бир раҳбарнинг ҳoқиқи йўқ.

МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ҚИЛИБ ИШЛАШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Пойтахтимиздаги "Саёҳат" меҳмонхонасида Ўзбекистон Халқ демократик партияси Тошкент вилояти Кенгашининг навбатдаги IX пленуми бўлиб ўтди.

Партиялар ҳаётидан

Йиғилишдан кўзланган асосий мақсад – 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналиши бўйича Харакатлар стратегиясини "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили"да амалга оширишга оид Давлат дастури ижросини таъминлашда партия ташкилотлари, маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳлари иштироки-



ни янада кучайтириш бўйича вазифаларни белгилаб олишдан иборат бўлди. Кун тартибига Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раисини сайлаш масаласи қўйилди. Узоқ йиллар вилоят хотин-қизлар кўмитаси раиси вазифасида ишлаган, "Дўстлик" ордени соҳибаси Сайёра Файзиева ном-

зоди таклиф қилинди. Йиғилиш иштирокчиларидан 58 нафари С. Файзиева номзодини маъқуллашди. Шундан сўнг, партия ташкилотлари ва Халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлардаги партия гуруҳларининг 2018 йилдаги фаолияти, йўл қўйган хато ва камчиликлари танқидий таҳлил қилинди ва кел-



гусидаги вазифалар белгилаб берилди. Пленумда аҳоли бандлигини таъминлаш, ишсизларни касбга ўқитиш, уларга ҳуқуқий маслаҳатлар бериш, ижтимоий ёрдам усулларидан фойдаланишига кўмаклашиш, халқимизнинг ҳаёт даражасини юксалтириш учун меҳнатга муносиб ҳақ тўлаш тизи-

мини шакллантириш ва аҳолининг реал даромадларини ошириш каби масалаларда ижобий натижаларга эришиш учун партия ташкилотлари ҳамда депутатлик бирлашмаларидан юксак фаоллик талаб этилиши таъкидланди.

Шунингдек, пленумда ногиронлиги бўлган болалар ва уларнинг оила аъзолари, боқувчисини йўқотганларни ўн олти ёшгача ижтимоий муҳофаза қилиш, кишлоқ жойларда янги намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қуриш, ногиронлар ва ёлғиз қариларни бепул протез-ортопедия буюмлари ва техник реабилитация воситалари билан таъминлаш масалаларида партия ташкилотлари ва депутатлик бирлашмаларининг иштирокини кучайтириш лозимлиги алоҳида қайд этилди.

Ўз муҳбиримиз

МАДҲИГА ДОСТОН ТУГАМАЙДИ

Аёл – энг аввало она, барчамизни дунёга келтирган тавбарук зот. Ҳар биримизга ўз онамиз азиз, мўътабар, муқаддас. Аёл оиланинг сўнмас кўши.

Бизга ёздилар



Шунинг учун ҳам оналар, аёллар ҳақида ҳамиша энг ширин, энг азиз, энг олий сўзни айтгимиз келади. Мадҳига шеърлар, достонлар битамиз. Турли байрамларда йўқлаб, кўнглини оламиз.

Халқаро хотин-қизлар кунини "Мўътабар аёл" кўракнишни билан тақдирланган янгийўллик Баҳрихон Имомова тажрибали педагог, меҳрибон мураббий, ўз соҳасини пухта билган зукко аёллардан. Шу билан бирга меҳрибон она, сеvimли бува, келинларга маслаҳатгўй қайнона ҳамдир.

У 1971 йили Тошкент Давлат чет тиллари олийгоҳини тугатиб, Янгийўл тумани таълим соҳасида самарали меҳнат қилди. 2012 йилдан буён "Маънавият ва маърифат" маркази Янгийўл тумани бўлими бошлиғи, ҳудудий "Нуроний" жамғармаси

раиси, "Гулбахор" маҳалла фуқаролар йиғини маслаҳатчиси вазифаларида ишлаб келмоқда.

Баҳрихон қаерда, қайси лавозимда ишлаганини, ҳаммиша халқ дарди билан яшайди. Атрофдагиларга қўлидан келганча ёрдам беради. Ҳамкасблари, қўни-қўшнилари билан муносабатларда ўзгалар фикрини эътибор билан тинглайди, уларнинг арз ва шикоятларини ўрганиб, ёрдам ва маслаҳатини аямайди.

Илоҳим, шундай серғайрат, фидойи аёллар сафи янада кенгайсин. Чунки, келажак ана шундай оналар, аёллар қўлида. Зеро, онаси, аёли зукко юртнинг юки ҳеч қачон ерда қолмайди.

Маҳмуджон АҲМАДЖОНОВ,
иқтисод фанлари номзода
Янгийўл тумани

ОЧИҚ МУЛОҚОТЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

Бўстонлик тумани ва Чирчиқ шаҳрида вилоятимизнинг жиноят, фуқаролик, маъмурий ва иқтисодий ишлар бўйича суд раислари ҳамда маҳалла вакиллари, жамоатчилик фаоллари иштирокида юзма-юз учрашувлар бўлиб ўтди.

Юзма-юз учрашув



Унда таъкидланишича, 2018-2017 йиллар билан таққослаганда жиноят ишлари бўйича Чирчиқ шаҳар суди томонидан қўрилган ишлар сони 66 тага камайган. Шунингдек, мулоқотда суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилаётган изчил ислохотлар одил судловнинг сифат ва самарадорлигини ошириш, энг асосийси, фуқароларнинг суд органларига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини кучайтириб бораётгани суд амалиётлари мисолида атрофлича тушунтириб берилди.

Мулоқотда ўтган вақт мобайнида шаҳарда содир этилган жиноятлар сабаблари ўрганилиб, таҳлил қилинди. Шунингдек, ҳуқуқбузарликлар ва жиноятчиликка мурасасизлик маданиятини шакллантириш ҳамда кунинга итоткорликни мустаҳкамлаш бугунги куннинг долзарб масаласи экани таъкидланди.

Учрашувда профилактик ишлар натижасида "Гулбод", "Айдарали", "Богистон" ҳамда "Боладала" маҳаллаларида ўтган йил давомида бирорта ҳам жиноят содир этилмагани қайд этилди. Бироқ, бошқа маҳаллаларда оғир тан жароҳати етказиш ҳамда фирибгарлик жиноятларининг содир бўлиш сабаб ва оқибатлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

Тадбирда "қасддан одам ўлдириш", "қасдан баданга оғир шикаст етказиш" ва "транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш ҳавфсизлиги қоидаларини бузиш" жиноятларининг оқибатлари ҳақида ҳам маълумот берилди. Туманда ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятларни жиловлан самарали кечиси аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигига боғлиқлиги оддий мисоллар ёрдамида тушунтириб берилди.

Учрашув сўнггида суд раислари фуқаролар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоб қайтаришди.

Бахтиёр ШОДИЕВ,
Жиноят ишлари бўйича
вилоят судининг катта мутахассиси

МОЛ-МУЛКИМИЗНИ ЁНФИДАН АСРАЙЛИК!

Жойларда содир бўлаётган ёнғинларнинг келиб чиқиш сабаблари таҳлил қилинганда, аксарият ҳолларда ёнғинлар биноларнинг қурилиш меъёр қоидаларига амал қилинмагани ва фуқароларнинг эҳтиётсизлиги оқибатида юзага келаётгани аён бўлмоқда.

101 огоҳлантиради

Жумладан, Тошкент туманининг Шифобахш сувлар кўчасида яшовчи фуқаро Ж. Ўрловнинг уйда иситиш мосламасининг назоратсиз қолдирилиши оқибатида ёнғин содир бўлган ва унинг 100 квадрат метр қисми ёнган. Шунингдек, ёнғин қўшининг уйга ҳам ўтиб, 80 квадрат метр қисми ўт ичида қолган. Натيجида, ҳар икки хонадон ҳам катта миқдорда моддий зарар кўрган.

Туманининг "Иқбол" маҳалласи, Иқбол кўчасида яшовчи фуқаро Ш. Турсуновнинг уйда ҳам эҳтиётсизлик оқибатида ёнғин содир бўлиб, унинг 100 квадрат метр қисми ёниб кетган. Ўзингиз ва оила аъзоларингизнинг ҳавфсизлигини таъминлаш ҳамда мол-мулкимиз қулга айланмаслиги учун қуйидаги ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилиш талаб этилади:

- қурилатган бино билан қўшни бино орасида 5-6 метр оралиқ масофа қолдириш ёки мавжуд бино қўшни бино билан бир-бирига яқин жойлашган бўлса, улар орасига ёнғинга қарши девор қуриш;
- бино том қисми қўшни бино томи билан баравар ёки яқин бўлган ҳолларда оралиққа 60 сантиметр бандликда девор қуриш;
- бинонинг ўтиши ва қутқарув йўлақлари деворлари ҳамда шифтлари ёнуви ва ёнганда ўзидан заҳарли модда чиқаришни қуриш материаллари билан қопламаслик;
- бино сиртини ёнғиннинг ёпиқ тарзда тарқали-

- шунингдек, бунга амал қилмаган раҳбарга жиддий жазо қўлланилади. Ҳатто, жиноий жавобгарликка ҳам тортилади.
- Таъкидланганидек, айрим вилоят ва туманларда ижро назорати кўнгилдагидек кечмаяп-
- эди. Эндиликда бунга амал қилмаган раҳбарга жиддий жазо қўлланилади. Ҳатто, жиноий жавобгарликка ҳам тортилади.
- Таъкидланганидек, айрим вилоят ва туманларда ижро назорати кўнгилдагидек кечмаяп-
- ти. Сайёр қабуллар талаб даражасида ўтказилмаяпти. Айрим туман ҳокимликлари аҳоли мурожаатлари билан ишлашни тизими йўлга қўйишмаган. Муаммолар белгиланган тартибда ўрганилмаган ва қаноатлантирилмаган.
- Сўнгги йилларда кўп соҳа-
- ларда ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда, – дейди Вазирлар Маҳкамасининг ҳудудларни комплекс ривожлантириш, коммуникациялар ва муҳофаза санати масалалари котибияти бош мутахассиси Шерзод Махидов. – Лекин шунга қарамай, айрим раҳбарлар ўзгаришларни тўла-тўқисанглаётгани йўқ. Масалан, бир йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентининг Виртуал қабулхонасига бир ярим миллиондан ортиқ ариза тушган. Айрим раҳбарлар мурожаатларни ўрганиш давомида ижро интимиомига амал қилмаган. Оқибатда аҳолининг нозилигига, қайта мурожаат йўллашига сабаб бўлган.
- Семинарда Қибрай, Чиноз, туманлари ва Олмалик шаҳри мутасаддилари йўл қўйган камчиликлари учун жиддий огоҳлантирилди.
- Ўз муҳбиримиз

ИЖРО НАЗОРАТИ: БУГУННИНГ МУҲИМ ТАЛАБИ

Чирчиқ шаҳрида "Иш юритиш, ҳужжатлар билан ишлаш, меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш, топшириқлар бажарилишида назоратни тизимли йўлга қўйиш ва ахборот хавфсизлигини таъминлаш" мавзусида ўқув-амалий семинар ўтказилди.

Сайёр қабуллар талаб даражасида ўтказилмаяпти. Айрим туман ҳокимликлари аҳоли мурожаатлари билан ишлашни тизими йўлга қўйишмаган. Муаммолар белгиланган тартибда ўрганилмаган ва қаноатлантирилмаган.

КОМИЛЛИК КИТОБХОНЛИКДАН БОШЛАНАДИ

"Китоб – барча бунёдкорлик, яратувчанлик ва ақл-идрокнинг, илму дошнинг асосидир. Ҳаётни ўргатувчи мураббийдир."

Мутолаа



ОБ-ҲАВО МАЪЛУМОТИ
Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 6 апрель кун Тошкентда ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 5-10 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 9-11, кундузи 20-22 даража илқ бўлади. Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, ёнғингарчилик бўлмайди. Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 7-12, кундузи 17-22 даража илқ бўлади. Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, баъзи жойларда ёнғингарчилик бўлади. Қор қўчиши хавфи бор. Фарбдан эсаётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, Шарқдан секундида 7-12 метр тезликда эсади. Кечаси 0-5, кундузи 8-13 даража илқ бўлади.

Эълонлар

Тошкент вилояти аҳолиси ва хўжалик юритувчи субъектлар диққатига!

Тошкент вилояти ҳудудидаги жисмоний ва юридик шахслар ҳамда уларнинг вакиллари учун 2019 йил 12 апрель кунини Ўрта Чирчиқ туманидаги Халқ қабулхонасида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раисининг биринчи ўринбосари Т. А. Ишметов иштирокида сайёр қабул ўтказилади.

Барча хоҳловчилар сайёр қабулда иштирок этишлари мумкин.

Тошкент вилояти «Сувоқова» ДУК

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2019 йил 23 февралдаги 05/1-4774-сонли хати ҳамда Тошкент вилояти ҳокимининг 2019 йил 13 мартдаги 200-сонли қарорига асосан, Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигининг Уй-жой коммунал хўжалигини ривожлантириш жамғармасига талаб этиладиган маблағлар тушумини таъминлаш мақсадида 2019 йил 1 мартдан вилоятда ичимлик суви таъминоти хизматлари учун махсус устама ҳақ миқдори 1 куб.м. учун 50 сўм ва канализация хизматлари учун махсус устама ҳақ миқдори 1 куб. м. учун 50 сўм этиб белгиланганини маълум қилади.



Изоҳ: мазкур эълон Тошкент вилояти "Сувоқова" ДУК илтимосига кўра қайта чоп этилмоқда.

Термиздан таралмиш наволар

Халқаро бахшичилик санъати фестивалида иштирок этиш учун Термиз шаҳрига келган вилоятимиз жамоаси аъзолари ҳам анжуманга пухта тайёргарлик кўрган-



Талғат ҲАҚИҚАТИ, Ёш жиров, Юқори Чирчиқ тумани:

– Сурхондарёга иккинчи бор келишим. Ҳаққон Олтин туманида, пуриқор тоғлар бағрида бўлиб ўтган бахшилар фестивалига келиб, истеъдодимни намойиш этганим. Бу йил эса халқаро фестивалда иштирок этаман.

Ёш авлодни халқ оғзаки ижодидан баҳраманд қилиш, уларни шу руҳда тарбиялаш миллий ўзликни сақлаб қолишнинг гаровидир, деб ўйлайман. Фестивалга келиб, устоз бахши-шоирларнинг, оқинларнинг, тенгдошларимнинг ижроларини кўриб, тажриба ўрганаётган, роҳатланаётган. Турли халқларнинг маданий меросларидан баҳраманд бўлаётган. Умид қиламанки, ҳар икки йилда бир ўтказиладиган бу халқаро фестивал давомимизда биз каби кўлаб ёш иқтидорлар ўз йўлини топиб олади ва устозларга муносиб давомчи бўлиб етишсун.

ларини намойиш этиб, томошабинлар кўнглини чоғлашни бошлаб юборишди.

Баҳор ҳавоси ҳар замонда ўзгариб, делегациямиз аъзоларининг кайфиятига, иш равишига ҳам ранг-баранглик бағишлаб турибди. Жануб гавҳари деб ном олган ва тобора шу таърифга муносиб кўринишга келаётган шаҳарда айрича тафти бор. Бу термизликларнинг ҳам феъл-атворида, хатти-ҳаракатларида намоён. Меҳмоннавозлигидан меҳр илиқлигини ҳис этиш мумкин.

Вилоятимиз вакиллари барпо этган кўрғонга энг кенг майдон ажратилган. Уни томоша қилиб, таассуротларини баён этаётган-

лар кўп. Айниқса, чет эллик меҳмонларга миллий куй-қўшиқларимиз, хунарамандчилигимиз намуналари жуда манзур бўлмоқда. Кўрғонга вилоятимиз бетакрор табиатининг ажралмас қисми бўлган, чўққилари мангу музликлар билан қопланган пуриқор Чотқол ва Қурама тоғ тизмаларининг рамзий шакллари алоҳида улуғворлик бахш этган.

Ушбу халқаро фестиваль том маънода бирдамлик, биродарлик байрамига айланди. Қадим тарихимизни, халқимизнинг теран маданий илдизларини ўзида акс эттираётган фестивалда қатнашиш бахтига муяссар бўлган, ўзларининг иқтидор ва имкониятларини



ни кенг намоён этаётган вилоятимиз делегацияси аъзоларининг таассуротлари, дил сўзлари ҳам улкан дostonга жо бўлди. Куйида уларнинг қалб изҳорлари, ҳаяжонлари, эътирофлари эътиборингизга ҳавола эта-

лик, меҳр-оқибат ва чин инсоний муҳаббат тараннум этилади. Буларни тинглаб улгайган ёш авлод вакилларида инсонпарварлик, юртпарварлик, ўзганинг дардини ҳис қилиш каби юксак фазилатлар шаклланди.

Миллийлик ва умуминсонийликни бир нуқтада жамлаган халқаро бахшичилик санъати фестивалининг ўтказилаётгани ва бундай юқори савияда ташкил этилгани нафақат бир санъаткор сифатида, балки ўзбекнинг бир фарзанди сифатида ҳам қалбимни чеқсиз шодликка тўлдирди.

Алишер ҚУРБОНОВ, "Тўрғай" жамоаси аъзоси, Оққўрғон тумани:

– Сурхондарёга кириб келар эканмиз, кўз ўнгимизда дostonларда айтилган кенгликлар намоён бўла бошлади. Бу бизга ўзгача кайфият бағишлади. Бойсундан ўтиб борар эканмиз, тезроқ Термизга етиш, бахшилардан дoston эшитиш ва жамоамиз билан шу гўшада санъатимизни намойиш қилиш истаги юрагимни ҳаққиртира бошлади.

Термиздаги Санъат саройи майдонига, вилоятимиз кўрғонига келиб бу иштиёқ яна ортди. Бахшиларнинг неқбин кайфият бағишловчи дostonларидан тингладик. Жамоавий тайёргарликлардан сўнг биз ҳам ўзимиз яшайдиган ҳудуд маданиятидан дарак берувчи куй-қўшиқларимизни иштирокчилар ва томошабинлар эътиборига ҳавола қила бошладик. Бизнинг чиқишларимизга меҳр ва оқибатлар ила қаршилашмоқда.

– Кўнглимни сурурга ва фараҳга тўлдирган халқаро фестивалда ансамблимизнинг ёш ва навқирон аъзолари билан биргаликда қатнашяпмиз. Улар билан Оқангрон томонларда азалдан ижро этилиб келинган куй-қўшиқлар маж-

Тошпўлат МАТКАРИМОВ, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист, "Тўрғай" фольклор-этнографик ансамбли бадий раҳбари, Оқангрон тумани:

муини санъат ихлосмандлари эътиборига ҳавола қилаёямиз. Томшабинларнинг кўшиқ ва ашулаларни теран



Мирзомазҳар АКРАМОВ, хунараманд:

– Халқаро фестиваль доирасида хунарамандлар ҳам ўз маҳоратларини намоён этишлари учун имконий пайдо бўлди. Вилоятимиз кўрғонига кўргазмаларимизни, буюмларнинг яралиш жараёнини намойиш қилаёямиз. Қизиқувчилар жуда кўп. Буюмларимизга харидорлар ҳам топилапти. Орта қайтгач, келишув асосида савдо алоқаларини ҳам йўлга қўйишни режалаштираёямиз.

Бахши-шоирлар, оқинлар, жировларнинг, хориж давлатларидан келган санъаткорларнинг ижроларини тинглаб, мароқ туймоқдамиз. Термиз шаҳри жуда чиroy очибди. Мезбонлар баҳри-дилчимизни очувчи манзаралар яратишибди. Ушбу фестиваль менинг ёдимда бир умр муҳрлиниб қолади.

Амир Темури таваллудининг 683 йиллигига

Сўз юриятаётганимиз ўрта асрлар тарихида энг йирик жанглардан бири ҳисобланиб, унда Амир Темури ўз халқи оғзаки санъатида яшай олишига имкон берадиган бир шароит яратиш мақсодини кўзлаган ҳолда ўз олдига қўйган энг қийин, чин мураккаб вазифани уddалай олганди. Бунда Соҳибқирон Темурибекиннинг ҳарбий доҳоси оғир синовдан муваффақиятли ўтди. Амалда нотаниш бўлган дала шароитида, сон жиҳатдан кўп душманга қарши жангда фақат қўшинни тўғри бошқара олиш йўли билан ғалабага эришилди. Бу зафар ҳали олдинда турган оламшумул муваффақиятларнинг бир нишонаси эди.

қайта тақрорлайди Похлебкин. – Аммо, ўша даврнинг шифқатсиз урф-таомилларини умумий контекстдан ажратган ҳолда қабул қилиш керак эмас. Масалан, Москва князи саройга берилган ўлпондан ташқари ўз хазинасини тўлдирш учун маҳсус солиқлар жорий этди...

Шу тарзда Куликово жанги натижалари йўққа чиқарилиб, Москва князлигида тараққиёт яна ўз йил орқага сурилди ва ўрда билан муносабатлар истиқболли унинг учун яна зулмат билан ўралди. Агар янги бир та-

Арнольдov ўзининг "Загадка одного сражения" деб номланган мақолада бу ҳақда шундай фикр билдиради: "Куликово майдонидидаги жангдан кейин, юз йил давомида Русь бирор марта ҳам Олтин ўрда билан йирик тўқнашувга борган эмас. Аммо, шу вақт ичида Олтин ўрданинги ўзи тор-мор бўлиб, тарих сахнасинан ғойиб бўлди. Бундан чиқдики, бизни кимдир ўзимизнинг иштирокимизсиз озод қилган экан-да! Ким у жўмард? Ким бўларди, айни ўша зот: кўп йиллар ноҳақ қоралаб келинган Амир Темури бизни озод қилган, тўғрироғи, Олтин ўрда зулмидан озод бўлишимизга олиб келган" ("Наука и жизнь" журналы, 2004 йил, № 4, Москва).

Бир пайтлари тарихда машҳур жанг бўлиб ўтган Малайя Каменка кишлогига ёндош даладан ўқ-ёй учлари, XIV асрга оид тангалар, ханжар тиглари – ҳаммаси бўлиб 40 донна буюм топилди. Самара вилояти ўлкашунослик музейининг етакчи археологлари Дмитрий Штенков, Анна Кочкина қароргоҳда қазилган ишларни бошлаб юборишган. Маҳаллий рассом Александр Малигин Тўхтамиш отликларининг Темури қўшинлари ўнг қаринига тўсатдан қилган ҳужумини акс эттирувчи полотно яратибди. Топилган барча буюмлар музейнинг янги биносидидаги экспозиция залида марказий ўринни эгаллайди. Кейинги вақтларда Самара вилоятига сайёҳларни жалб этиш мақсадида ҳар йили 18 июнь куни Қундузча жангининг театрлаштирилган томошаси ташкил этилмоқда. Самаралик мактаб ўқувчилари Россия тарихида чуқур ўз қолдирган жанг бўлиб ўтган мана шу майдонда ҳам ёдгорликлар қўйилиб, эртанимкечми ҳақиқат тантана қилишини хоҳлайди.

Абдулла ХОЛМИРЗАЕВ

БУЮК БОБОМИЗГА ЭҲТИРОМ



Соҳибқирон Амир Темури таваллудининг 683 йиллигини муносиб нишонлаш мақсадида Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртиниинг бир гуруҳ курсантлари, Чирчиқ давлат педагогика институтини талабалари ҳамда 15-умумтаълим мактабининг ўқувчилари иштирокида пойтахтнинг Амир Темури хаббонига экскурсия уюштириди.

Дастлаб, иштирокчилар Амир Темури ҳайкали пойига гуллар қўйишди. Сўнг курсантлар "Темури тузуқлари" китобини сайёҳлар ва шаҳримиз меҳмонларига совға қилишди.



Экскурсия курсантлар ва талаба-ёшларини Темурийлар тарихи давлат музейига сайёҳати билан якунланди.

@haqiqatonline

СОҲИБҚИРОНИНГ ҲАРБИЙ ҚУДРАТИ



сукут сақланди. Тўғри, мазкур ғалаба Русь учун жуда катта аҳамиятга эга бўлган эди, дея тан олганлар ҳам бўлди. Улар Амир Темури Тўхтамишнинг энгши билан Русь ерига объектив суратда катта хизмат кўрсатганлигини алоҳида таъкидлашади.

Бугунги, яъни йигирма биринчи аср бошларидаги воқеаликда Соҳибқирон Амир Темури ва Олтин ўрда хони Тўхтамиш қўшинларининг Қундузча дарёси бўйида 1391 йилда бўлиб ўтган жанги ўша пайтдаги Русь давлатининг мўлғул зулмидан халос бўлишида муҳим аҳамиятга эга эканлиги, Россия халқлари тақдирини мўлғул зулмидан халос қилишида тобора кўпроқ таъкидланмоқда ва бу борада кенг кўламли изланишлар, илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

тир. Шу жиҳатдан Похлебкин деган рус олимининг 2005 йили Москвада чоп этилган "Татарлар ва Русь" китоби аҳамиятли.

Мазкур тадқиқотда ёзиладики, бирлашган Русь қўшини Куликовода эришган ҳарбий, сиёсий ва иқтисодий ютуқ Олтин ўрда томонидан икки йил ўтмаёқ тўла барбод қилинган, яъни сиёсий қарамлик амалда янада кучайган, Москванинг Тверь, Нижегород, Рязань князликлари билан муносабати ёмонлашган, Олтин ўрдага бериладиган ўлпонлар нафақат қайта тикланган, балки икки баравар оширилган ва хоҳазор...

– Кейинги барча авлодлар шуури орқали ўтиб келган ушбу мавзу сўзсиз жуда оғир қабул қилинади, – дея қайта-

рихий ҳодиса юз бермаганида ўрда зулми абадий бўлиб қолиши ҳеч гап эмасди.

Хуллас, Турон султони Амир Темури олиб борган урушлар натижасида Олтин ўрда қўшинлари йўқ қилинди, иккала пойтахти ҳам харобага айланганлиди, мамлакат пароканда этилди ва Олтин ўрда давлатининг умурт-каси синдирилди. Натижада, Амир Темури XIV асрнинг охирида олиб борган ҳарбий ҳаракатлар туфайли Русининг ўрда устидан ғалаба қозонишига олиб келган шароит-омил вужудга келди...

Ёш русь тарихчиси Михаил

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Хафтанинги чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Электрон почталар: thaqiqat@umail.uz th-tp@inbox.ru

Телефонлар: 71 233-64-95, 71 233-58-85 (факс) 71 233-70-10 71 233-90-82 71 233-38-23, 71 233-48-08 71 233-65-59 71 233-54-10

Тошкент вилояти Ахборот ва оммавий коммуникациялар бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган. Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва Тоҳир Маҳмудовнинг томонидан саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА Назоратчи мусаҳҳих Аллома АЗИЗОВА Навбатчи Эрали НОРБЕКОВ